

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“Тасдиқлайман”  
Ректорнинг ўқув ишлари  
бўйича муовини  
\_\_\_\_\_ А.Вахобов**

**“ЎЗБЕК ТИЛИ” фанидан  
НАМУНАВИЙ ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 5140900- “Ўқитувчиларни тайёрлаш ва педагогика  
фани” ҳамда 5340000-Таълим соҳасидаги:**

- 5140900 - Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит);**
- 5340100 - Иқтисодиёт (статистика);**
- 5340200 - Менежмент (иқтисодиёт соҳалари);**
- 5340600 - Молия;**
- 5340700 - Банк иши;**
- 5340800 - Солиқлар ва солиққа тортиш;**
- 5340900 - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;**
- 5341200 - Инвестицияларни молиялаштириш;**
- 5341300 - Суғурта иши бакалавриат йўналишлари учун.**

## АННОТАЦИЯ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг иқтисоди кундан кунга юксалмоқда ва ҳорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар кучаймоқда.

Ушбу ўқув дастури таълим рус тилида олиб бориладиган иқтисодий ўқув юртларига мўлжалланган ва машғулотлар янги методика асосида олиб борилади. Дастурда талабанинг давлат тилида етарли даражада фикр ифодалаш, берилган матнларни луғат асосида тушуниши ва таржима қилиши ҳамда зарурий иш қоғозларини талаб даражасида ёзиш кўникмасини ҳосил қилиши назарда тутилган.

Экономика независимага Узбекистана с каждым днем развиваеца и усиливаеца экономические отношение с зарубежными странами.

Программа “Узбек тили” предназначена для русских групп экономических высших учебных заведений. Программа созданной на основе типовая и занятия будут проводица на основе новых методик.

На основе данной программы студенты научаца самостоятельно выражат мнение и перевести тексты и составит деловие бумаги.

Тхе Жндепендент Узбекистан-с есономй исинснеасинг дай бй дай анд иц есономисал линкс витх фонигн соунтниес ис стненстхенинг.

“Узбек тили” ис вриттер фор Русиан лонгуаге студенц оф хигх счооис. Ассординг то тхис програм вхич вас формед он тхе басе оф неw метходс лессонс аре сондустед он тхеир басес.

Тхис програм хелпс тхе бачелорс то ехпресс тхеир опинион ин тхе стате лангуаге, то ундерстанд техц анд то транслате тхем анд то бе абле то врите бусинесс паперс.

**Тузувчи:** ф.ф.д. Н. Хусанов.

**Такризчилар:** ф.ф.н. Ў. Лафасов (Тошкент Давлат Шарқшунослик институти доценти.)  
ф.ф.д. А. Мусақулов (Тошкент Давлат Аграр университети кафедра мудири.)

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2005 й. \_\_\_\_\_ -сонли баённома.

## СЎЗ БОШИ

Ушбу намунавий дастур иқтисодиёт ўқув юртларида тил ўргатишга мўлжалланган. Дастур олий таълимда бакалаврлар тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим тўғрисидаги ва Давлат тили ҳақидаги қонунларга ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан тузилган.

Ўзбекистон мустақилликка еришган бугунги кунда иқтисодиётда, таълим тизимида туб ислоҳотлар давом етмоқда. Давр малакали ва маънавияти юксак иқтисодчиларни тайёрлашни тақозо етмоқда.

Бўлажак иқтисодчи давлат тилини ва хорижий тилларни мукамал егалласагина илғор технологияларни иқтисодиётга жорий етувчи яхши кадр бўлиб етишади.

Дастур давр талаблари асосида яратилган бўлиб, тил ўргатишнинг самарали ва илғор усуллари қамраб олган. Давлат тилини ва хорижий тиллар (рус, инглиз, француз, немис)ни ўрганиш ҳамда билиш Ўзбекистон фуқаросининг байналмилал ва фуқаролик бурчидир.

### **Ўқитишнинг мақсади, вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши**

Давлат тили ва хорижий тиллар фанларининг асосий мақсади олий ўқув юртлари талабаларининг тилларни ўзлаштириши, муайян йўналиши бўйича ҳар хил турдаги нутқни амалда қўллаши кўникмасини ҳосил қилишдир.

Дастур талабаларнинг маълум бир тилда умумий характерга ега бўлган мутахассисликка оид суҳбат-диалогларда тўғри нутқ етикетига риоя қилинган ҳолда суҳбатлаша олиши, мутахассислик бўйича берилган адабиётни луғат ёрдамида ва луғациз ўқий олиши ва тушуниши, аннотациялар ёзиши, иш хатлари ва молия-банк ҳужжатларини қўллай олишига қаратилган. Бу Давлат тили ва хорижий тиллар фаннинг асосий вазифасини ташкил етади.

Тошкент Молия институтининг ўзбек ва рус ҳамда чет тиллар кафедраси барча махсус (иқтисодий, молия ва бошқа) кафедралар билан узвий боғланган, чунки талабалар махсус мутахассисликка оид мавзуларда монологик ва диалогик нутққа ега бўлишлари керак, мутахассислик бўйича берилган матнни хорижий тилидан давлат тилига ва давлат тилидан хорижий тилига таржима қилиш, давлат ва хорижий тилдаги махсус адабиётларнинг рефератини тайёрлаш, суҳбат-диалогларда қатнаша олиш, молия-банк ҳужжатларини тузишни билишлари лозим.

### **Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга қўйиладиган талаблар**

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига мувофиқ равишда ўқув фани бўйича талабаларнинг билим-кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Давлат ва хорижий тиллар ўқув фанлар бўйича таҳсил олаётган талабалар қуйидагиларни билиши ва бажара олишлари керак:

- Махсус (иқтисодий, сиёсий, молия), шунингдек, бадиий адабиётларни ўқиш ва мазмунини тўла ёритиш.

- Маиший, сиёсий ва махсус мавзуларда оғзаки, монологик ва диалогик нутқни егаллаш.

-Нормал темпда айтилган давлат ва хорижий тиллардаги нутқни бемалол тушуниш.

- Молия-банк ҳужжатларини хатосиз ва саводли тузиш, хорижий тилдан давлат тилига, давлат тилидан хорижий тилга таржима қилиш.

- Ўқитилаётган тиллар бўйича оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштириш, зарур бўлган грамматик материални ўзлаштириш.

- Аннотациялар, рефератлар тузиш.

Яқуний талаб ўқув фаолиятини давом еттириш учун етарли бўлган, чет ел тажрибаси бўйича берилган фан ва техника, илмий-иқтисодий адабиётларни ҳамда ишга оид алоқаларда керак бўладиган материалларни ўрганишдир.

### **Фанни ўқитиш системаси ва услубий кўрсатмалар**

Давлат ва хорижий тиллар фанлардан семинар ва лаборатория ишлари кўзда тутилмаган.

Давлат ва хорижий тилларнинг умумий курси қуйидаги бир-бирига боғланган аспектлардан тузилган.

\*Фонетика

\*Грамматика

\*Лексика

#### **Фонетика**

Талаффуз устида мунтазам равишда иш олиб борилади. Ҳар бир машғулотда талабаларнинг фонетик билимларига алоҳида еътибор берилиши керак.

Тилнинг товуш томонини ўрганишда лингафон курслар, тасмалардагиларни ешитиш каби ўқитишнинг техник воситалардан кенг фойдаланилади.

#### **Грамматика**

Грамматика лексика билан чамбарчас ўрганилади. Келажакда оригинал текстларни ўрганишда, махсус адабиётлар ва ҳужжатларни таржима қилиш жараёнида уларга хос бўлган конструкция ва оборотлар, грамматик шакллар мустаҳкамланади.

#### **Лексика**

Талабалар бир курс давомида 4800-5000 лексик бирлик ва фразеологик сўз бирикмаларидан иборат актив луғат бойлигига ега бўлиши лозим.

Ўқув даври давомида сиёсий, иқтисодий адабиётларни ўқитиш учун махсус лексика, банк ва молияга оид адабиётлар лексикаси ўтилиши керак.

Ўтилган дарслар бўйича талабалар мустақил ўрганиши учун уй вазифалари берилади, талабалар олган билимларни аниқлашнинг оғзаки ва ёзма усуллари қўлланилади.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Давлат ва хорижий тиллар фанини ўқитишда илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари қуйидагилардир:

- тингловчиларни аввалдан тарқатма ўқув материаллари билан таъминлашга еришиш;
- “таянч” ибораларни ишлаб чиқиш, уларнинг мукамал ўзлаштирилишини таъминлаш;
- дарсларда “Иш ўйинлари”ни қўллаш;
- тилни ўргатишда лингафон кабинет, компьютер техникаси, кутубхонадан фойдаланиш;
- иқтидорли тингловчилар билан қўшимча дарсларни ташкил етиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш (рейтинг тизими).
- Якуний назоратни оғзаки ва ёзма шаклда ўтказиш.

### **Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар**

Ўзбек, рус ва хорижий тиллар фанидан ўқув дастурини тузишда б фанлар бўйича яратилган намунавий, ўқув дастурларидан ижодий фойдаланиш мумкин.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

**Фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.** “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни жумҳуриятимизда русийзабон миллат вакилларининг ҳам ўзбек тилини ўрганиши, билиши учун кенг имкониятлар очиб берди.

**Фаннинг мақсади-** талабаларга ўзбек адабий тилининг хусусиятлари, унинг луғат тизими ва иқтисодиёт терминологияси ҳақида етарли назарий ва амалий маълумот беришни кўзда тутади.

**Фаннинг вазифаси-** талабаларда давлат тилида еркин фикрлаш, иқтисодиётга оид матнни тушуниш ва таржима қилиш, ҳужжатларни талаб даражасида тузиш, малакасини шакллантиришдан иборатдир.

**Бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши.** “Ўзбек тили”-тарих, маънавият асослари, педагогика, психология, фалсафа ва иқтисодий фанлар билан ўзвий боғлиқликда ўқитилади.

### **Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги Давлат таълим стандартига (ДЦ) га мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар**

Бакалавриат талабалари “Ўзбек тили” фани бўйича қуйидаги билим, кўникма ва маҳоратларга ега бўлиши шарт:

- ўзбек адабий тили ва унинг хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотга ега бўлиш;

- Давлат тилида еркин фикрлаш малакасини егаллаш;

- оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштириш;

- ўзбек тилининг иқтисодиёт атамалари ва иқтисодий матнларни чуқур ўзлаштириш;

- Давлат тилида саводли ва хатосиз ёзиш, иш қоғозлари ва ҳужжатларни тўғри тўлдириш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир.

**Амалий машғулоти бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар.** Дастурда қамраб олинган тил ўргатиш ва ўзлаштиришнинг барча воситаларидан - оғзаки нутқ, ёзма нутқ, ўқиш, сўз бойлиги ва грамматикадан унумли фойдаланиши назарда тутилади. Ҳар бир мақсадли таълимнинг бош вазифаси ўқув материаллари ва жараёнларини босқичма-босқич амалга оширишдан иборат бўлганидек, талабаларнинг ҳам ҳар бир мавзуни, бўлакни, босқични ўзлаштириш даражасини назорат қилиш еътиборга олиниши лозим. Дастлабки машғулотларнинг мавзулари, илк босқичда тўла ўзлаштириб бўлинганидан сўнггина навбатдагисига ўтилади; кейинги босқичнинг талабалар томонидан қандай ўзлаштирилиши аввалги босқичдаги материалларни уларнинг қай даражада тўла ва мустақам ўзлаштиришига бевосита боғлиқ бўлади.

Дастурда бакалавриат талабаларининг ўзбекча оғзаки нутқини, ўқишни, ёзишни ўзлаштиришга, ўзбек тилини тушуниши ва унда еркин гаплашиши учун зарур сўз бойлигига ега бўлишига алоҳида аҳамият

берилди. Назорат тадбирлари, савол-жавоб, жорий, якуний назорат, реферат, мустақил таълимни текширишдан иборат.

**Оғзаки нутқ.** Оғзаки нутқни ўстиришнинг муҳим йўлларида бири сўзлашишдир. Шу туфайли русийзабон гуруҳларда ўзбек тили дарслари, асосан, ўзбек тилида олиб борилади. Муҳит еса тил ўрганишда алоҳида, муҳим аҳамиятга ега. Чунки муайян муҳит яратилмай туриб тил ўрганиш қийин. Дарсни ўзбек тилида ўтиш, ўзбекча сўзлашиш, гаплашиш, савол - жавоблар жараёнида рус тилида гаплашувчиларда ўзбекча сўзлашув қоида ва меъёрларига муайян кўникма ҳосил бўла бошлайди.

Оғзаки нутқни ўстиришнинг яна бир муҳим йўли тақлиддир. Бакалаврият талабалар дарс машғулотида ўқитувчига, бир-бирларига тақлид қилиб, сўзларда товушлар талаффузини, гап оҳанглари ва урғуларнинг жой-жойига қўйилиши, таркибини билиб оладилар. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш оғзаки нутқни ўстиришнинг яна бир муҳим воситасидир. Махсус тайёрланган расмларга, депозитивларга қараб воқеа - ҳодиса мазмунини сўзлаб бериш, табиат манзаралари ва ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида қисқа ҳикоя қилиш, баён қилиб бериш, шеър ёки бирор матндан парча ёдлаб айтиб, нутқни магнит тасмасига ёзиб олиб қайта ешитиш, ешитириш кабилар ҳам оғзаки нутқни ўстиришга яхши ёрдам беради.

Ана шуларга амал қилиб таҳсилни ниҳоясига етказгач, талаба ўзбек тилида мустақил савол - жавоб қила оладиган, сўзларни тўла ва тўғри талаффуз ета оладиган, ўзбекча сўзлаша оладиган бўлади.

Дастурда тил ўрганишнинг муҳим воситаларидан бири бўлган ўқишга ҳам алоҳида еътибор берилди. Дарсда талабаларга берилган махсус матнни овоз чиқариб тўғри ва раво ўқишни машқ қиладилар. Бунда талаффузи қийин бўлган товушларга, сўз ва ибораларга диққат жалб етилади. Ўқилган матн юзасидан тингловчилар бир - бирлари билан савол- жавоблар уюштирадилар.

Маълумки, ўзбек алифбосида мавжуд бўлган айрим ҳарф ва товушлар рус алифбосида йўқ ва аксинча. Шунингдек айрим ўзбекча ва русча товушлар талаффузи ўзаро ўхшаш ёки бир - бирига анча яқин бўлса, бошқаларининг талаффузи бир - биридан жиддий фарқ қилади. Бундай ҳолларда талабалар талаффуздаги қийинчиликларни ўқитувчи ёрдамида ва ўзбекча адабий талаффуз қоидаларини ўзлаштириш асосида бартараф етадилар.

Ёзма нутқни ўстириш оғзаки нутқни ўстириш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекча ёзишни ўрганувчилар ишни аввало тайёр матнларни дарсда тахтадан, китоб ёки бошқа манбалардан кўчириб ёзишдан бошлаганлари маъқул. Бунда улар ҳарф - товушларни ўзбекча ёзувдаги кўринишларни ўз она тилидаги ҳарф - товушларнинг ёзилиш шакллари билан қиёслаб, таққослаб ўрганадилар.

Ёзма саводхонлик машқлари ҳар доим ёзиб кўрсатиш ва ёздириб кўриш орқали амалга оширилса, бундай изчиллик оқибат натижасида талабаларда муайян кўникмаларнинг шаклланишини тезлаштиради. Шунинг учун ҳам талабаларни навбатма - навбат тахтага чиқариб, китоб ва бошқа манбалардан

кўчириб ёзишга ўргатиш, йўл қўйилган хато - камчиликларни топиб тузатиш машқларига бошқаларни ҳам жалб этиш ёзма нутқни ўстиришда яхши самара беришини алоҳида ҳисобга олиш керак бўлади. Бундай машқлардан сўнг талабаларни секин - аста оғзаки нутқни, айтилган сўзлар, гапларни, ўқилган матнни кўчириб ёзишга ўргата бориш лозим. Бу еса ўз навбатида уларнинг назорат диктантлар ёзишга ўтишига тайёргарлик бўлади. Дастлабки диктант луғат - диктант шаклида бўлиши ҳам мумкин.

**Сўз бойлиги.** Ўзга тилда гаплашиш учун муайян сўз бойлигига ега бўлиш керак. Сўз бойлигини тўплаш еса мураккаб жараён. У тилни ўрганиш йўлидаги ҳатти - ҳаракатлар давомида, яъни оғзаки нутқни ўстириш, ўқиш ва ёзишни ўрганиш машқларида ўзлаштирилган сўзлар, иборалар ҳисобига шаклланади.

### **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ**

#### **Мустақил Ўзбекистон.**

Ўзбек тилим-она тилим.

Мустақиллик рамзлари.

Мустақиллик ва Ўзбекистон.

Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий фонетикаси.

Қамбар Ота. Ўзбек тилим\*.

#### **Мен севган касб.**

Бизнинг оила.

Мен ўз касбимни севаман.

Иқтисодчи-фахрли касб.

Ўзбек тилида егалик-келишиқ аффиксларининг ифодаланиши.

Ўзбек халқ мақоллари\*.

#### **Ўзбек халқининг санъати ва маданияти.**

Миллий санъатимиз тарихи.

Маданиятимизнинг бебаҳо дурдоналари.

Санъат ва маданиятимизнинг бугунги равнақи.

Феълларнинг тусланиши ва замон категорияси.

Амир Темур музейи\*.

#### **Ўзбек шоирлари ва адиблари.**

Мумтоз адабиётимизнинг намоёндалари.

Ҳозирги ўзбек шоир ва адиблари.

Мен севган асар.

Гап. Унинг мазмунига ва тузилишига кўра турлари.

Адабиёт музейи\*.

#### **Ўзбек олимлари.**



Ўзбек алломалари.  
Фанимиз фидойилари.  
Иқтисодий билимлар маскани.  
Ўзбек тилининг функционал услублари.  
Ўзбекистон Фанлар Академияси\*.

**Мустақиллик ва қонун устуворлиги.**  
“Темур тузуклари” ва ўзбек давлатчилиги.  
Қонун ҳамма учун тенгдир.  
Ўзбекистон-қонун ва демократия маскани.  
Иш юритиш ва ҳужжатчилик.  
Ўзбекистон Конституцияси\*.

**Иқтисодиёт ва атамашунослик.**  
Иқтисодий атамалар ва манбалар.  
Иқтисодиёт атамалари.  
Атамалар ва иш юритиш.  
Расмий услуб.  
Менежмент\*.

**Иқтисодиёт ва экология.**  
Она табиатни асрайлик.  
Авлодлар соғлиғи бизнинг қўлимизда.  
Масканим-Ватаним.  
Илмий услуб.  
Сув-ҳаёт манбаи\*.

**Ўзбекистон ва ташқи иқтисодий алоқалар.**  
Ўзбекистон-табиий хомашёлар юрти.  
Ўзаро манфаатдорлик ва Ўзбекистон.  
Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда.  
Иш юритиш ва ҳужжатчилик.  
Ўзбекистон Миллий Банки\*.

**Ўзбекистон иқтисодий юксалишлар йўлида.**  
Саноатимиз юксалмоқда.  
Қишлоқ хўжалиги ва бозор иқтисодиёти.  
Тижорат ва мўл-кўлчилик.  
Нутқ одоби.  
Китоб-билим манбаи\*.

**Лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.**  
**Курс ишлари (лойиҳа) намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.**  
**Чизма-ҳисоб ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.**

#### **4. ТАВСИЯ ЕТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси”ни видео магнитофон орқали ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги телефилмни кўриш.

Интернет орқали ўзбек тилига оид материаллар билан танишиш.

Лингафон кабинетда ўзбек нутқ товушларини ўрганиш.

Турли аудио ва видео кассеталардан фойдаланиб ўзбек тилини ўрганиш.

#### **5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ**

Фан учун ажратилган максималл баллар: 124 балл, ЖБ-86,8 ЯБ-37,2.

Жорий баҳолаш бир йилда 4 марта ўтказилади ва журналларда қайд етилади. Ҳар бир жорий баҳолашда максималл балл 19,6 балл деб белгиланган. Жорий баҳолашдаги 86,8 балл қуйидагилар асосида амалга оширилади:

1. Матнни сўзлаб бериш-30 балл;
2. Матнни режасини тузиш-20 балл;
3. Ижодий машқларни бажариш-15 балл;
4. Талабанинг дарсларга фаол қатнашиши-10 балл;
5. Талабанинг дафтарини назорати-11,8 балл.

Фан бўйича саралаш балл – 68,2 балл, 70-47,7, якуний баҳолаш - 20.

Ўзлаштириш натижаси:

қониқарли	- 68 дан 86,8 гача	55-70%
яхши	- 87 дан 107 гача	71- 85%
аъло	- 107 дан 124 гача	86-100%

## 6. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил етилишининг асосий принциплари” тўғрисидаги Конституциявий қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2-Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3-Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, еркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
13. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида.-Т.: Ўзбекистон, 2001.
14. Имомова Т.З., Тухватулина Л. Иш қоғозлари қандай ёзилади, -Т.: Ўқитувчи, 1992.
15. Саидов А., Кўчимов Ш. Қонун ва тил, -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” 1997.
16. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари, -Т.: Ўзбекистон, 1996.
17. Абдуқаюмов А. Контракт бўйича иш юритиш. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
18. Қўнғуров Р., Бегматов Е., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари, -Т.: Фан, 1992.
19. Қўнғуров Р., Абусаидов А. Газета тили лексик стилистикаси. -Т.: Самарқанд. Сам.ДУ, 1994.
20. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. -Т.: “Сард”, 2001.
21. Исмаатуллаев Х. Самоучител узбекского языка. -Т.: Ўқитувчи, 1991.
22. Махмудов Н., Тўхлиев Б. Ўзбек тилини ўрганамиз. -Т.: Ўқитувчи, 1991.
23. Узоқов Х., Мирзакаримова Ў., Саидова Р. Ўзбек тили амалиёти. -Т.: Ўқитувчи, 1993.
24. Кессин И., Рахматуллаев Ш. Узбекский язык для взрослых. -Т.: 1990.
25. Рахматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. -Т.: Ўқитувчи, 1993.

26. Азларов Е., Усмонова М. Ўзбек тили. -Т.: Ўқитувчи, 1992.
27. Йўлдошев Р. Ўзбек тилини ўрганамиз. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
28. Махмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилида иш юритиш. -Т.:  
Энциклопедия 1990.
29. Қиличев Е. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. -Т.: Фан, 1992.
30. Русча-ўзбекча луғат. -Т.: 1993.
31. Хусанов Н., Бердимуродова С. Ўзбек тили. Ўқув қўлланма, -Т.: ТМИ,  
2001.
32. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологизмларнинг етимологик луғати. -Т.:  
Ўзбекистон 2000.
33. Узоқов Х., Мирзакаримова Ў., Саидова Р. Ўзбек тили амалиёти -Т.:  
Ўқитувчи 1993.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Қуръони Карим. - Т.: Чўлпон, 1993.
2. Ал-Бухорий Абдуллоҳ... Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. Ҳадислар. 1-4-жилдлар. - Т.: Қомус, 1992.
3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1993.
4. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1968.
5. Темур тузуклари. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
6. Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. - Т.: Чўлпон, 1996.
7. Навоий Алишер. Маҳбуб-ул қулуб. -Т.: Фан, 1987.
8. Шомий Низомиддин. Зафарнома. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Бобур З.М. Бобурнома. - Т.: Чўлпон, 1998.
10. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.- Т.: Шарқ, 1994.
11. Бехбудий М. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2000.
12. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. Авесто-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: Адолат, 2001.
13. Маънавият юлдузлари. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999.
14. Алпомиш. - Т.: Шарқ, 1998.
15. Халқ, миллий мафкура ва зиёли масъулияти. // Тафаккур, 1999, 2-сон.
16. Ўзбек тилининг имло луғати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
17. Бегматов Е. Нотикнинг нодир бойлиги. -Т.: Фан, 1990.
18. Турсунов, Бозорбоев. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1999.
19. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. -Т.: Фан, 1995.
20. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: Фан, 1996.
21. Шомахмудов Ш. Шорахмедов Ш. Ҳикматнома -Т.: Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси, 1990.
22. Мирзаев Т. Достонлар гултожи. -Т.: Фан, 1998.
23. Норматов У. Қодирий боғи. -Т.: Фан, 1994.
24. Фарзанд-азиз, она мўътабар. -Т 2001.
25. Ўзбек халқ мақоллари. -Т, 1985.
26. 59. Ўзбек тўйлари. -Т, 1992.